*Халқ денгиздир, халқ тўлқиндир, халқ кучдир!*

# ХАЛҚ СЎЗИ

خلق سوزی

ҲИЖРИЙ ҚАМАРИЙ. 1412 ЙИЛ, ЗУЛ-ҚАЪДА, 7-КУН. ШАМСИЯ, 1371 ЙИЛ, САВР, 19-КУН.

*Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамасининг рўзномаси*

*1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган* | 1992 ЙИЛ 9 МАЙ, ШАНБА, 89-СОН • 340 • | НАРХИ ОБУНАЧИГА 15 ТИЙИН. СОТУВДА 1 СЎМ.

*Бугун—Ғалаба куни*




## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ИШЛАРИ ВАЗИРИНИНГ БУЙРУҒИ

52-сон

1992 йил 9 май. Тошкент шаҳри.

Аскар ва сержант, старшина ва прапоршик, офицер ва генерал ўртоқлар!

Уруш, меҳнат ва Қуролли Кучларнинг фахрийлари!

1992 йил 9 майда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги халқлари ва жангчилари Улуғ Ватан урушидаги Ғалабанинг 47 йиллигини нишонлайдилар.

Фашизм билан бўлган ҳаёт-мамот жангида Қуролли Кучларнинг халқчиллиги, жангчи ва командирларнинг юксак ҳарбий маҳоратлари, уларнинг бардошлилик, жасурлик ва қаҳрамонликлари яққол намоён бўлди. Тажовузкор тўхтатилди, орқага қайтарилди ва бутунлай тор-мор қилинди.

Буюк Ғалабанинг қўлга киритилишига Ўзбекистон халқи ва меҳнаткашлари ҳам катта ҳисса қўшдилар. Минг-минглаб ўзбек жангчилари оммавий қаҳрамонликлари учун орден ва медаллар билан мукофотландилар.

Ғалаба кунини нишонлар эканмиз, биз халқ жасоратига ҳурмат бажо келтириб, келажакка умид ва ишонч билан қараймиз. Жамиятни тубдан янгилаш ва чуқур ҳарбий ислоҳотлар шароитида мустақил Ўзбекистон ўзининг маънавий ва миллий қадриятларини тикламоқда, жаҳондаги замонавий демократик давлатлар сафига қўшилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигидаги бошқа армиялар билан биргаликда ўз матонати, юксак уюшқоқлик ва жипслигини сақламоқда, сиёсий ўйинларга тортишга қаратилган уринишларни қатъий рад этмоқда, ўз халқлари ҳимоясида устивор турибди.

Қадрли ўртоқлар, Сизларни Улуғ Ғалаба байрами билан қутлайман ва табриклайман.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари шахсий таркибига жанговор тайёргарлик ва касб маҳоратини оширишда, уюшқоқлик ва ҳарбий интизомни мустаҳкамлашда муваффақиятлар тилайман.

Уруш, меҳнат ва Қуролли Кучлар фахрийларига мустаҳкам соғлиқ, бахт саодат, ўсиб келаётган ёш авлодни халққа ва Ватанга содиқ хизмат қилиш анъаналари руҳида тарбиялашда омад ёр бўлсин.

Ватан озодлиги ва мустақиллиги учун жангларда жон фидо этган қаҳрамонларга абадий шон-шарафлар!

Улуғ Ватан урушида қозонилган Ғалабанинг 47 йиллиги муносабати билан

**БУЮРАМАН:**

1992 йил 9 май куни соат 21 да Ўзбекистон Республикаси пойтахти Тошкент шаҳрида тўплардан 30 марта ўқ узиб байрам салюти берилсин ва мушакбозлик қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси мудофаа ишлари вазири, генерал-майор

Р. АҲМЕДОВ.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИ РАЁСАТИНИНГ ТОЖИКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИГА, СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРИ ВА ҲАРАКАТЛАРИГА

# МУРОЖААТНОМАСИ

Азиз биродарларимиз ва опа-сингилларимиз, ҳурматли парламент аъзолари!

Ҳар бир давлат ўзининг ички муаммоларини ўзи ҳал этиши ва ташқаридан унинг ички ишига аралашишга ҳеч кимнинг ҳақи йўқлиги табиий. Бироқ биз Сизлар билан оға-инимиз. Асрлар мобайнида шоду хуррамликда ҳам, ғаму андуҳда ҳам бирга бўлдик. Бизларнинг кўп миллатли республикаларимизда ҳамиша донишмандлик, инсонийлик, тантилик ва ҳамжиҳатлик тантана қилиб келган.

Шу боисдан ҳам Душанбе шаҳрида рўй бераётган воқеалар, қурбонлар борлиги ва қон тўнилганлиги ҳақидаги хабарлар қалбларимизни ўртаб юборди, бу ҳолатга лоқайд қараб туролмадик. Биз ҳалок бўлганларнинг қариндош-уруғларига чуқур таъзия изҳор этамиз, сиёсат аҳлининг ўзаро кураши бошқа оилаларга ҳам ғам-кулфат келтирмайди деб умид қиламиз.

Бутун бир халқни сунъий равишда парчалаб юбориш, сиёсий масалаларни ҳал этишда ақл-одоб қоидаларига хилоф усуллардан фойдаланиш, қонунлар ва инсон ҳуқуқларини инкор этиш, энг муҳими инсоннинг ҳаёт кечиришдан иборат ҳуқуқларини назар-писанд қилмаслик, фикримизча, боши берк кўчага олиб кирувчи йўлдир. Биз қардош халқнинг донолигига ишонамиз, у ана шу ниҳоятда хатарли вазиятдан чиқишнинг тўғри йўлини топиб олишига ишонамиз.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раёсати парламентнинг барча аъзолари номидан Тожикистон Республикаси халқ депутатларига, сиёсий партиялар ва ҳаракатларга мурожаат этиб, кескинликнинг бундан кейин кучайиб кетишига йўл қўймаслик, вазмин ва ўзаро сабр-тоқатли бўлиш, халқ тақдири учун ўз масъулиятини тўла-тўкис англашни илтимос қилиб сўрайди.

Узоқ йиллар давом этган тоталитаризм давридан ва марказнинг ягона буйруқбозлик-маъмуриятчилик ҳукмронлигидан сўнг халқларимиз билан республикаларимиз ниҳоят ўз мустақилликларига эришдилар, ўз тақдирларининг эгалари бўлиб қолдилар. Лекин бу чинакам иқтисодий ва сиёсий истиқлол йўлида, асрлар мобайнида давом этиб келган ўзаро қардошлик муносабатларини сифат жиҳатидан янги босқичда давом эттириш сари ташланган дастлабки одимлар, холос. Айни шу даврда барқарорликнинг, тартиб-интизомнинг йўқлиги, ҳар кимнинг ўз иши ва хатти-ҳаракати учун юксак масъулиятни сезмаслиги айниқса хатарлидир.

Ҳуқуқий демократик давлатларнинг қарор топиши қонунсизлик ва зўравонлик фожиасига айланиб кетмасин, аксинча чинакам ҳуқуқий, демократик жараён бўлиб қолсин, айрим сиёсатдонлар манфаатларига эмас, балки фарзандларимиз ва невараларимиз келажагини таъминлашга қаратилган жараён бўлиб қолсин.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ РАЁСАТИДА

1992 йил 8 май куни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсатининг навбатдаги мажлиси бўлди.

Душанбе шаҳридаги воқеалар муносабати билан Тожикистон Республикаси халқ депутатларига, сиёсий партиялари ва ҳаракатларига мурожаатнома қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамасининг «Халқ сўзи» — «Народное слово» рўзномаси муҳарририятининг низоми, дастуриламали, ходимлар рўйхати, даромадлар ва ҳаражатлар сметаси кўриб чиқилди ва тасдиқланди. Таҳририят ҳайъати ҳам тасдиқланди.

1992 йил 16 мартдан бошлаб ишчилар ва хизматчилар мансаб окладлари ҳамда фуқароларнинг солиқ олинмайдиган даромадлари миқдори оширилгани муносабати билан раёсат Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамасининг ҳамда иқтисодий ислоҳот, бюджет сиёсати ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш комитетининг таклифига рози бўлди ва истисно тарзида молия идораларига Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши фуқаролардан олинадиган даромад солиғи ставкаларини ўзгартиргунга қадар 1992 йил 1 апрелдан бошлаб таклиф этилган миқдорда даромад солиғи олишга рухсат берди, бу таклифнинг моҳияти кам даромадли шахслардан олинадиган солиқ ставкаларини камайтиришдан ва кўп даромадли фуқаролардан олинадиган солиқларни кўпайтиришдан иборат. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамасига «Ўзбекистон Республикаси фуқароларидан, хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслардан олинадиган даромад солиғи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги Қонун лойиҳасини ўн кун муддат ичида тақдим этиш топширилди.

Ҳокимларнинг Самарқанд, Фарғона вилоятларидаги бир қанча районлар ва шаҳарлар номини ўзгартириш, Хоразм вилоятидаги айрим шаҳарлар мақомини ўзгартириш тўғрисидаги таклифлари юзасидан қарорлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикасининг жаҳон ҳамжамиятига қўшилиши ва бунинг натижасида амалдаги қонун ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш, бошқарувнинг иқтисодий усулларини жорий этишга, жамиятни, унинг иқтисодиётини, ижтимоий ва бошқа соҳаларни сифат жиҳатидан янги ҳолатга ўтказишга кўмаклашадиган қонун ҳужжатларини қабул қилиш жараёнини жадаллаштириш зарурати пайдо бўлганлиги муносабати билан Олий Кенгаш Раёсати амалдаги қонун ҳужжатларини қайта кўриб чиқишни ташкил этиш ҳақида қарор қабул қилди.

## РЕСПУБЛИКА ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов 8 май куни Миср Араб Республикаси маориф вазири Ҳусайн Камол Баховиддин бошчилигидаги шу мамлакат делегациясини қабул қилди.

Дўстона суҳбат чоғида мустақил Ўзбекистон тўғрисида, шу серқуёш ўлкада яшовчи халқлар, республика мустақиллиги йўлида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида сўзлаб берилди. Ўзбекистонда араблар тарихига, иқтисодиёти ва маданиятига зўр қизиқиш билан қаралаётганлиги таъкидланди.

Суҳбатда иқтисодиёт, маданиятнинг турли соҳаларида ҳамда бошқа соҳаларда Ўзбекистон билан Миср Араб Республикаси ўртасидаги икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш имкониятлари ва истиқболлари алоҳида таъкидлаб ўтилди. Иккала томонни қизиқтирувчи бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинди.

Суҳбатда Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири У. А. Абдураззоқов, Республика ўрта ва олий махсус таълим вазири Ж. А. Абдуллаев иштирок этдилар.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов Финляндиянинг Москвадаги элчиси жаноб Эркки Тииликайнен бошчилигидаги Финляндия делегациясини 8 май куни қабул қилди.

Бўлиб ўтган самимий дўстона суҳбат чоғида Республика Президенти ва Финляндия элчиси иккала томонни қизиқтираётган бир қанча масалалар юзасидан фикрлашиб олдилар. Ўзбекистон билан Финляндия ўртасида ўзаро манфаатли икки томонлама иқтисодий ва маданий ҳамкорликни ривожлантириш имкониятлари ҳамда қулай истиқболлари таъкидлаб ўтилди.

Суҳбатда Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири У. А. Абдураззоқов, Республика ташқи иқтисодий алоқалар вазири Ў. Т. Султонов иштирок этдилар.

(ЎзА).

## 1992 ЙИЛНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ УЧУН «ХАЛҚ СЎЗИ»ГА ОБУНА БОШЛАНДИ

**ШУ кунларда бир нусха «Халқ сўзи»нинг таннархи олдинги 15 тийин ўрнига 93 тийинга, «Народное слово»ники эса 1 сўму 15 тийинга тушаяпти. Биз ҳозиргача 96361 (88894 ва 7467) обуначимиз олаётган рўзномалар ҳаражатининг бир қисмини ўз ҳисобимиздан тўлаб келдик. Энди, бундан буёғи шу ҳаражатларни тўлашга қурбимиз етмайди.**

**Яна шуни очиқ айтиш лозим: 1992 йил учун «Халқ сўзи» рўзномасига 25 сўму 68 тийин бериб, бир йилга обуна бўлганларнинг пули аллақачон тугаган. Аниқроғи, 1 январдан, 1 февралдан, 1 мартдан мазкур рўзномаларга обуна бўлганларнинг обуна муддати ва ҳақи 30 апрелда тугади. Улар қолган ойлар учун мазкур рўзномаларни ололмайдилар. Минг афсуски, шундай. Бунинг учун муштарийлар ҳам, биз ҳам айбдор эмасмиз. Сабаби — бозор иқтисодиёти.**

**Қадрдон муштарий! Агар сиз хоҳласангиз ҳар бир алоқа бўлимида шу кундан бошлаб «Халқ сўзи» ва «Народное слово» рўзномаларига ёзилишингиз мумкин. Май ойида обунани вақтида расмийлаштирганлар фақат 1 июлдан бошлаб «Халқ сўзи» ва «Народное слово»ни уйида олиб ўқиш имкониятига эга бўладилар.**

**Хуллас, ҳар қандай ҳолда ҳам обуна ўз афзаллигини кўрсатади. Масалан, бир нусха «Халқ сўзи»ни обуначи 1 сўмга олиб ўқиса, чакана сотувда унинг нархи 1 сўму 50 тийин бўлади. Шундай қилиб, вақтингизни тежаб ташвишсиз рўзнома ўқийман десангиз, ўз вақтида 1992 йилнинг иккинчи ярми учун «Халқ сўзи» ва «Народное слово» рўзномаларига обуна бўлишга шошилинг!**

**Ҳозир эса ҳар иккала рўзнома учун обуна бошланди. Обуна нархи:**

**6 ойга — 132 сўм**
**3 ойга — 66 сўм**
**1 ойга — 22 сўм.**

**Рўзномалар индекси 64608 ва 64610.**

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ.**

Ф. СП—1

Алоқа вазирлиги «Матбуот» уюшмаси

**АБОНЕМЕНТ** рўзнома / ойнома | 64608 (нашр кўрсаткичи)

"Халқ сўзи" (нашр номи) | Обуна сони

1992 йил учун (ойлар бўйича)

| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | X | X | X | X | X | X |

Қаерга
(почта кўрсаткичи)

Кимга
(исми ва отасининг исми бош ҳарфлари)

**РЎЗНОМАНИ ЕТКАЗИШ ВАРАҚЧАСИ**

п. в. | жойи

64608 (нашр кўрсаткичи)

"Халқ сўзи" (нашр номи)

| Обунани янги манзилга юбориш | Баҳоси | Сўм | Обуна сони |
|---|---|---|---|
| | Баҳоси | Сўм | |

1992 йил учун (ойлар бўйича)

| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | X | X | X | X | X | X |

Қаерга
(почта кўрсаткичи) (манзил)

Кимга
(исми ва отасининг исми бош ҳарфлари)

